Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 2 (2024) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb muammolari, yechimlari va istiq... DOI: 10.5281/zenodo.24317280

бу ерда Р- маҳсулотни реклама қилиш рентабеллиги, %; П — реклама натижасида олинган фойда, сўм; 3-бу маҳсулотни реклама қилиш қиймати, сўм.

Алоҳида формулалар ёрдамида телевидение, транспорт ва даврий нашрларда товарлар рекламасидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мумкин.

Ташкилот менежерлари маркетинг коммуникациялари ва хизматлари самарадорлигини баҳолаш учун ташқи ва ички омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда миқдорий ва сифат усулларини моҳирона бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ёдда тутишлари лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

2. “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. – Халқ сўзи, 2017 йил 2 февраль.

3. ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг“2017–2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2017йил15 август.

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи,2020 йил 20 май. // Халқ сўзи, 2019 йил 25 октябр.

БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР

Рустамова Сайёра Хатамовна
Иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD),
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчи
Андижон давлат университети

Қарор- бу имкониятлардан энг мақбулини танлаб олишдир. Бошқарувчиларнинг кунлик ишининг бир қисми бўлган қарор қабул қилиш менежерларга катта ма`сулият юклайди. Чунки менежерлар биргина тўғри қабул қилган бошқарув қарорлари орқали бутун жамиятнинг билвосита тақдирини ижобий томонга ҳал қилади.[1]

Published: 28.03.2024

Cite this article: Рустамова Сайёра Хатамовна (2024). Бошқарув қарорларини қабул қилишдаги ўзига хос жиҳатлар. Emro Science and Education, 1(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317280

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Қуйида келтирилган жадвалда биз бошқарув қарорларининг турлари ва шаклларини келтирамиз.

1-жадвал.

Бошқарув қарорларининг турлари[2]

Бошқарув қарорларининг турлари	Шакллари
Бошқарув функциялари бўйича:	-режалаштириш бўйича; -ташкил этиш бўйича; -рағбатлантириш бўйича
Юридик қайд этиш бўйича:	-режа; -буйруқ; -йўриқнома;
Қабул қилиш субъекти бўйича (иштирокчилар миқдори бўйича):	-якка шаклда; -жамоавий (ташкилот аъзолари); -коллегиал(кенгаш)
Бошқарув қарорларини қабул қилишда вазият турлари	- аниқлик вазияти; - таваккалчилик вазияти; - ноаниқлик вазияти
Пайдо бўлиш манбаси бўйича	-ташаббусли; - пастки бўғин таклиф билан; - рецепт бўйича
Вазифавий соҳаси бўйича:	-молиявий; -кадрлар бўйича; -ишлаб чиқариш бўйича
Таъсир жиҳатидан:	-умумий; -ҳусусий; - тажрибага асосланган;
Таъсир йўналиши бўйича	-ички; -ташқи
Амалга ошириш йўли бўйича	-ёзма; -оғзаки
Қарор қабул қилиш ҳолати бўйича:	-ҳукмга асосланган; -интуитив; -рационаллаикка асосланган
Ривожланиш усуллари бўйича	-миқдорий(математик дастурлаштирилган, статистик усуллар) -эвристик (мантиқ, тажриба,ҳис-туйғу асосида)
Вазифаларни тузиш даражаси бўйича	-дастурлаштирилган; -дастурлаштирилмаган

Менежер ёки бошқарувчи томонидан қабул қилинган қарорларнинг мураккаблиги ва жавобгарликнинг ортиши, бажариладиган ишлар турли-туманлиги улардан вақтни унумли тақсимланишини талаб қилади. Ўз фаолиятини режалаштиришни билмайдиган, фақат жорий масалалар билан шуғулланадиган менежерлар бошқарув жараёнида вужудга келувчи у ёки бу вазият натижаларини тахлил қилишгагина улгириб, келажакда қилиниши лозим

бўлган ишларни ҳал этиш учун вақт тополмай қоладилар. Раҳбар қарорлар қабул қилишини назоратни амалга ошириш ҳам жуда муҳим. Берилган вазифани тўлиқ бажарилганлигни раҳбар ўз назорати остига олмас экан, ходимларда ўз ишига совуққонлик билан ёндашиш бошланади.

Ҳар қандай қарорни қабул қилишда 3 ҳолат мавжуд:

-интуитив, ёки ҳис-туйғуга асосланган қарор қабул қилиш;

- ҳукмга асосланган қарор қабул қилиш;

- рационалликка асосланган қарор қабул қилиш.

В.И. Хавроничев [3]ўз илмий ишларида интуитив қарор- бу унинг тўғри эканлигини ҳис этиш асосида қилинган танловдир деб айтган. Менежерлар фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, агар қарор қабул қилувчи шахсий тажрибага, сезги ёки фикрга таянса, у кўпинча нотўғри қарорларни келтириб чиқаради. Қарор қабул қилишнинг бундай усуллар менежерларнинг вақт ресурслари чекланганлиги сабабли кенг тарқалган деган фикрни келтириб ўтган.

Интуитив, ёки ҳис-туйғуга асосланган қарор қабул қилиш асосан ҳар қандай инсонда ички бир ҳис туйғуга асосланади. Вазиятли ёндашув пайтида раҳбар асосан ўз ички ҳис туйғуларига асосланиб қарор қабул қилади. Фикримизча, аксарият ҳолларда ички ҳис туйғуга асосланиб қарор қабул қилиувчиларни муваффақияти, уларни онг остидаги онгида мавжуд бўлган фикрлар асосида вужудга келадиган яхши танловлар жамланмасидан иборат бўлади.

Рейтинг менежментида ягона қарор қабул қилиш жараёнини ташкил этадиган муайян бошқарув муаммоларининг кетма-кетлигини аниқлаш доминант хусусиятларни ёки айрим хусусиятлар комбинациясини кетма-кет танлашга мувофиқ амалга оширилади.[4] Демак ҳис-туйғуга асосланган қарор қабул қилишда ҳам аввало бошқарувчида илмийлик тамойили бўлиши даркор экан.

Тизимли таҳлил интуитив қарор қабул қилишларда қўлланилмайди ва кўпинча муоммони ҳар томонлама ўрганиш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва моделлаштириш ёрдамида қарор қабул қилиш жараёнларида қўлланилади.[5]

Ва албатта бошқарув қарорларини қабул қилишда катта тажрибага асосланиш керак. Ёш раҳбар илмли бўлиши билан тажрибали раҳбарлар билан маслаҳатлашиб қарор қабул қилиши керак. Тажрибага асослананиш ҳукмга асосланган бошқарув қарорларини ифодалайди. Масалан ҳориж тажрибасига назар ташласак, менежментнинг япон моделига кўра ходимни раҳбарлик лавозимига илгари суришда ёши ва иш стажига афзаллик берилади. "Узоқ вақт меҳнат қилганлик учун" ҳақ тўлаш тизими "катталиги бўйича илгарига силжиш" тизими ("синоризм тизими")га катта таъсир кўрсатади.[6]

Юқорида қайд этилган назарий фикрларини ўрганган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик ва қуйидагиларни таклиф қилмоқчимиз:

1. Қарор қабул қилишдак муҳим аҳамиятга молик бўлган жараённи ўзбўларчилик билан эмас, ходимларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш даркор.
2. Раҳбарликка шундай инсонларни танлаш керакки, улардаги шаҳсий фазилатлари бу лавозимга қўйилганлиги учун ходимлар ёки халқ норизо бўлмаслиги ва ундан аъзият чекмаслиги керак.
3. Биз ўзбек халқига муносиб бўлган хусусиятларидан бири ҳам аждодларни, катта ва тажрибали инсонларни фикрларини албатта инобатга олишдир.
4. Қарор қабул қилиш жараёнида раҳбарнинг раҳбарлик услублари муҳимлик даражаси юзасидан авволо илғор ўринларни эгаллайди.
5. Қарор қабул қилиш жараёнида мақсадни аниқ қўя олиш, ходимларга тўғри мотивация бериш ва вақтида танбеҳни ҳам бериш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.Х.Рустамова “Буюк аждодларимизнинг бошқарув қарорларини қабул қилишда ўзига хос босиб ўтган йўллари ” “Иқтисод ва молия” №4(124), 2019, 59-бет
2. Л. Т. Ткачук, под. ред. М.И. Щадова “Менежмент ” Ростов н/Д: “Феникс” -2012, 208-бет
3. В.И.Хавроничев Принятие управленческих решений как основа менежмента “Вестник Гхереповецкого государственного университета” 1/2010, 24-ст
4. Львович Я.Е, Б.А.Чернышов, О.Н.Чопоров Оптимизационная модель и алгоритм интеллектуальнойподдержки процесса управления распределением ресурсного обеспечения в организационной системе, // Научный журнал «Моделирование, оптимизация и информационные технологии».–2019.Т.7.–№4.
5. А.Худойназаров Тизимли таҳлил асослари Дарслик Тошкент-2016,12-б
6. Н .К.Йўлдашев, Г.Е.Заҳидов “Менежммент” “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” Тошкент 2018, 23-бет

TAQSIMLANGAN MA`LUMOTLAR BAZASI

Yusupov M.T.
TDIU, Andijon fakulteti dotsenti
Tojiboev Abdumo’min
Andijon mashinasozlik instituti talabasi